

Тадбири бор одамга маслаҳат, кўмак тайин

Ҳайри Маммаднинг «Ўқитиб» маҳалласида ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, тадбиркорликни, хусусан, оилавий бизнес ва хунармандчиликни амаллаштириш мақсадида фуқаролар йиғини қошида «Маслаҳат маркази» фаолияти йўлга қўйилди.

■ **Фарҳод ҚОДИРОВ**
«Mahalla»

Бунинг учун йиғин идорасидан алоҳида хона ажратилиб, турли кўргазмалар воситалар, тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланди.

— Марказ ишчи гуруҳи таркибига ҳудудимиздаги тажрибали тадбиркорларни, намунали оила бошқиларини, туман давлат солиқ инспекциясининг участка инспекторини ва бошқа мутасаддиларни жалб этганмиз, — дейди биз билан сўхбатда «Ёрқатай» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Парлибой Улуғжўраев. — Улар ҳафтада уч кун тўпланиб, маҳалладаги тадбиркорлар билан сўхбатлашадилар, уларни қизиқтирган масалалар ечимини топишга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, иш бошлаш истидада юрганлар ёки бошловчи тадбиркорларга зарур маслаҳат ва тавсиялари билан амалий ёрдам берадилар.

Мисол учун, яқинда марказга мурожаат қилган фуқаро Ойбек Халиловга бизнес режа тузиш, ҳужжатларни тўллаш борасида тегишли кўрсатмалар берилди, маънан қўллаб-қувватланди. Натижада у қисқа фурсатда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, ўз фаолиятини бошлади. Маҳалламизда автотранспорт воситаларини таъмирлаш устaxonаси, компьютер хизмати, тикувчилик цехидан иборат шохобчалар мажмуи халққа хизмат кўрсатиш баробарида 20 нафар ёш доимий ишли бўлди. Эътиборлиси, янги иш



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

ОБОД МАНЗИЛЛАР

Янгиариқнинг янгиланган қиёфаси

< [1]

Янгиариқ катта йўл ёқаси ҳамда туман маркази — Гулобод шаҳарчаси ёнгинасида, Дарғом каналига жуذا яқин жойлашган бўлса-да, илгари ташландиқ ерлардан иборат эди. Айни пайтда унинг қиёфаси ҳавас қилгудек. Намунавий лойиҳа асосидаги уйлар қурилиши муносабати билан массивда «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил топди. Замон талабларига тўла жавоб беродиган мактаб қад ростланди. Хусусий савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари очилди. Кўчаларга асфальт ётқизилиб, ҳовли-жойлар атрофига манзарали дарахтлар ўтқазилди. Аҳоли ичимлик суви, табиий газ ва электр энергияси билан тўла таъминланди.

— Оилам билан мана шундай шинам ва кўркам уйда истиқомат қиляётганимиздан беҳод ҳуррадимиз, — дейди Ўткир Исмолов. — Уйга кўчиб қирган илк кунларда турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг

ЙИҒИНЛАР ҲАЁТИДАН

Муаммолар маҳаллада ҳал этилади



■ Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

Фуқаролар йиғинлари фаолларининг юртимиз ободлиги, маҳаллаларнинг кўркам ва саришталлиги, қолаверса, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ташаббускорлиги тобора ортиб борапти.

■ **Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
«Mahalla»

Бунда, айниқса, қўшни давлатлар билан чегародош ҳудудларда фаолият юритиётган маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Кунлар исиб шаҳару қишлоқлар, маҳаллалару хонадонларда кўкаламзорлаштириш ишлари овж олди. Айни кунларда Тошкент вилоятининг Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари маҳаллаларида ҳам ободонлаштириш ишлари кенг қулоч ёйди. Ҳудудларнинг санитария ҳолати янада яхшиланиб, кўчалар, қабристон ва зиёратгоҳлар, болалар майдончалари ва йи-

гин идоралари кўркам қиёфа касб этмоқда.

— Чиноз туманидаги мовжуд 64 та фуқаролар йиғинидан 4 таси, яъни Яллама, Кўтарма, Туркистон, Эшонобод қишлоқ фуқаролар йиғини қўшни Қозоғистон Республикаси билан чегародош, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлим бошқаруви раиси ўринбосари Абдурашид Расулов. — Улар таркибида «Дехқонобод», «Ачамайли», «Кўтарма», «Ғайрат», «Каналобод», «Янгиобод» маҳаллалари фаолият кўрсатади. Ушбу ҳудуддаги 2049 та хонадонда 10 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда мазкур фуқаролар йиғинла-

рида яшовчи аҳолининг турмуш маданиятини янада юксалтириш, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, йўл бўйларига турли мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш чоралари кўрилмоқда.

Хонадонларнинг 1945 метр масофадаги деворлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ташқи кўриниши кўркам қиёфга келтирилди. Уй-жойлар атрофидаги 4,6 минг тупдан зиёд дарахтларга шакл берилиб, қўшимча 7411 туп мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. Бундан ташқари, хонадон ва маҳаллалардан 800 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар ташиб чиқарилди.

— Ховли-жойини озода сақлаш инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигига доир тавсия ва тушунтириш ишлари олиб бориляпти, — дейди Эшонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аширбой Мама-

далиев. — Ҳудудимиздаги «Каналобод» маҳалласида истиқомат қилувчи Х.Мираҳмедов, А.Ғайбуллаев, Ф.Мадабекова ва бошқаларнинг уй-жойлари тартибга келтирилди, деворлари оқланди, кўча ва уй атрофидаги бўш майдонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Шунингдек, яккаёлғиз қарияларнинг хонадонлари таъмирланди.

Кўчалар бўйидаги 800 тупдан зиёд дарахтга шакл берилиб, ориқлар тозаланди. Ҳудуддаги қабристон, болалар майдончаларининг ободонлаштирилгани, шунингдек, фермер ҳўжалиқлари экин майдонларида ҳам 2110 туп кўчат ўтқазилгани қишлоғу маҳаллалар кўркига кўрк қўшмоқда. Шунингдек, ҳудуддаги 43-, 36-умумтаълим мактаблари жорий таъмирдан чиқарилди.

Айни пайтда чегара ҳудудидаги йўлларда амалга оширилган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Чиноз тумани Эшонобод қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 20-умумтаълим мактабида вилоят штаби ташкил этилди. Бугунга қадар йўлларга шағал тўкилиб, янги сув қувурлари ётқизилди.

Хайрли юмушлар доирасида фуқароларнинг узоғини яқин қилиш, олис ва чегара ҳудудларда хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида «Эшонобод — Чиноз» ҳамда «Эшонобод — Олмазор» йўналишлари бўйича автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

Айни пайтда нафақат Чиноз тумани ҳудуди, балки Зангиота ва Янгийўл тумани чегара ҳудудларидаги маҳалла ва хонадонларни ҳам намунали ҳолга келтириш, кўча ва йўлларни таъмирлаш борасидаги тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.



Карнавал беталафот ўтмади

Боливияда ўтган аъъанавий карнавал пайтида Оруро кўприги кулаб, 70 дан зиёд одам нобуд бўлди.



Яна беш киши кўприкдаги фалокат натижасида ҳисобсиз оломоннинг оёғи ос-

тида топталиб ўлган. Ўнлаб одам турли даражада жароҳат олган. Уларнинг аниқ сони ҳаққида маълумот берилмаган. Бундан ташқари, 37 нафар киши йўл-транспорт ҳодисаларидан жабрланди, 15 киши ҳаётдан кўз юмди. Оруродаги миллий-диний карнавалда 350 мингга яқин киши қатношган. Тантаналарда 30 минг нафардан зиёд раққос, 6 минг мусиқачи иштирок этган.

Заводда ёнғин

Омскдаги синтетик каучук заводида юз берган портлаш оқибатида 11 нафар киши жароҳатланди.

Офат натижасида келиб чиққан ёнғин бартараф этилди. Дастлабки маълумотларга кўра, «тилсиз ёв» 700 квадрат метрни ўз домига олган.

ФВВнинг кайд этишича, фенол ва ацетон ишлаб чиқарадиган қурилмода ёнғин юзого келишига газ ва ҳово аралашмасининг қатнаши сабаб бўлган.

Нишонда — ҳарбийлар

Афғонистон шарқидаги Логар музофотида НАТО кучларининг ҳаводан берган зарбаси беш нафар маҳаллий ҳарбий ҳаётига зомин бўлди.



«Associated Press»га кўра, яна саккиз нафар ҳарбий жароҳатланган. Зарба учувчи-

сиз уноқ ёрдамида амалга оширилган. НАТО кучларининг бундай қарорига нима сабаб бўлгани номалум.

Мамлакатда хавфсизликни таъминлаш бўйича халқро кучлар ҳодиса юзасидан терговни бошлаган.

«Agence France-Presse»га кўра, мазкур амалиёт расмий Вашингтон ҳамда Қобул муносабатларини янада таранглаштириши мумкин.

Бомба тутган болалар

Баҳрайндаги шиалар истиқомат қиладиган қишлоқлардан бирида йўл минаси ўрнатаётган 10 ва 11 ёшли икки нафар бола жиддий жароҳат олган.

«Agence France-Presse»нинг хабарига кўра, уларнинг эҳтиётсизлиги боис, бомба мuddатидан олдин портлаб кетган. Болалардан бирининг қўли узилган.

Полиция ҳодиса тафсилотларини ўрганмоқда. Бунда асосий эътибор норасидаларга бомбани ўрнатиш топширигини берганларнинг шахсини аниқлашга қаратилмоқда.

■ Интернет материаллари асосида **Ф.КОМРОН** тайёрлади.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

Хунарманднинг ҳиммати

Яккабоғ туманидаги Фурқат номи маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи хунарманд Гулсум Худойқулова хайрли ишга қўл урди: 20 та тикув машинаси сотиб олиб, маҳалладаги 16 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

■ **С.БОЙМУРОДОВА**
«Mahalla»

— Айни пайтда болалар учун 12 турдаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти, — дейди тадбиркор аёл. — Келгусида фолиятимизни янада кенгайтира-



лар, истироҳат боғларида, жамоат транспортларининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишга йўл қўйилмайди. Бундай жиддий ҳуқуқий испоҳотлар, шубҳасиз, мамлакатимизнинг истиқболи — фарзандлар саломатлигини қаролатлайди.

Мухтасар айтганда, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонуни соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлардан биридир.

ри Хоразм мебелсозлари билан ҳам шартнома тузиб, уларга сифатли маҳсулот етказиб беришгаётир.

Корхонанинг тикув цехида буюртма асосида бюджет ташкилотларига ёстиқ ва кўрпа жиддлари, чойшаблар тикилмоқда. Бу ерда нафақат «Гулистон» маҳалласи қиз-жуvonлари, балки қўшни овуллардан ҳам аёллар иш-лабди. 210 миллион сўмлик қўшимча ускунани ўрнатиш ҳаракатидаги тадбиркорнинг нияти амалга ошса, яна йигирма нафар ишчига эҳтиёж сезилсади.

— Ватин тикувчиликда куртка, костюм, пальто тикишда зарур хомашё ҳисобланади, — дейди А.Отажонов. — Уни ишлаб чиқараётганимиз ҳудудимизда тикувчилик ва дизайнерлик йўналишларида тадбиркорликни ривожлантириш, ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш имкониятини яратди. Айни пайтда корхонамиз маҳсулотлари узоқ вилоятларда ҳам ўз харидорини топти.

Тадбиркорлик фақатгина ишлаб чиқаришни ташкил этиш ёки ҳудуд аҳолисига

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Қулай муҳит ташаббусга ундайди

Тўртқўл туманидаги «Гулистон» маҳалласи ҳудудида жойлашган «Марфа-Шерзод» корхонаси раҳбари Аҳмаджон Отажонов яқинда бир янгиликка қўл урди. Айтишича, қулай ишбилармонлик муҳити унга гайрат бағишлаб, янги технологиялар асосида саноатни ривожлантиришга ундади.

■ **Ю.ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Уҳориждан 137 минг АҚШ долларилик замонавий технология келтириб, гиламдўзлик ва тикувчилик корхоналарида чиқитга чиқариладиган иккиламчи хомашё-

дан суный кигиз ва ватин тайёрлашни йўлга қўйди. Қисқа фурсатларда 150 миллион сўмлик маҳсулотни буюртмачиларга етказиб берган корхонада бугун иш қизғин. Айниқса, пружинали тўшақлар тайёрлашни бошлаганидан бери корхона ходимлари Қорақалпоғистондан ташқа-

Маълумки, полипропилен қопларга саноатда доимо эҳтиёж юқори. Шу боис айни пайтда қурилиш ва технологиялар ўрнатиш ишлари туғалланаётган янги цехда ана шундай қоплар тайёрланади. Хомашё дастлаб хориждан келтирилади, Ўстюртдаги мажмуа биттач, иш янада оsonлашади. Полипропилен қопларга ҳудудлардаги ун ва цемент заводларидан аллақачон буюртмалар тушмоқда. Бу эса, тадбиркорнинг ҳақиқатини ҳам узоқни кўзлаб иш юритаётгани натижасидир.